


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70230301-Матниунослик ва адабий манбашиунослик (шарқ тиллари бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдидир.

МУНДАРИЖА

T/p		бет
1.	70230301—Матниунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	70230301—Матниунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	70230301—Матниунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи.....	4
1.2.1.	70230301—Матниунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари	4
1.2.2.	70230301—Матниунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3.	70230301—Матниунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4.	70230301—Матниунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари	5
2.	70230301—Матниунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув вараги	9

1. 70230301–Матнишунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70230301–Матнишунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 70230301–Матнишунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши.

Малака талаби **70230301–Матнишунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70230301–Матнишунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70230301–Матнишунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70230301–Матнишунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) – “Тиллар” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва гарб тилларини ўқитиш, илмий, филологик, лингвистик масалалар билан боғлиқ академик, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари; кўлёзма ва архив фондлари; давлат бошқаруви органлари; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок илмий-тадқиқот институтлари; хорижий шарқ мамлакатлари билан боғлиқ давлат ташкилотлари; турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 70230301–Матнишунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва гарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармок илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида шарқ тилшунослиги соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;

- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви органларида бошқарув жараёнлари;

- иқтисодиёт тармоклари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида таржимонлик ва иш юритиши ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари.

1.2.3. 70230301-Матнишунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- маданиятларо мулокот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- турли хизматлар кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70230301-Матнишунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70230301-Матнишунослик ва адабий манбашунослик (шарқ тиллари бўйича) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;
- шарқ тиллари юзасидан бирламчи манбаларга суюнган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳали ишланмаган муаммоларни аниқлай олиш;
- ёзма ёдгорликларни тадқиқ этишда мумтоз адабиётшуносликнинг назарий методологияси, ёндашув усуслари;
- арабий, форсий ва туркий тиллардаги адабий меросни тадқиқ этишда мумтоз адабиётшуносликнинг асосий тушунчалари, таърифлари ва атамаларининг маъносини яхши билиши;
- манбашунослик ва матнишунослик соҳасида Ўзбекистонда ва чет элларда олиб борилган асосий тадқиқотлардан хабардор бўлиши;
- илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш; ўтказилаётган тадқиқотлар мавзууси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш ва библиографияларни тузиш;
- илмий семинарлар, илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш;
- илмий журналларга соҳа бўйича илмий мақолалар тайёрлаш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва гарб тилларини ўқитиши бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиши;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиши;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириши;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Маданиятлараро мулокот фаолиятида:

- маданиятлараро мулокотда модератор вазифасини бажариш;
- “тил-маданият-мулокот” алоқаларини амалга ошириш;
- глобаллашув жараёнида миллий-маданий меросни тарғиб қилиш;
- миллатлараро маданий алоқалар ривожида фаолият олиб бориш;
- давлат ва жамоат ташкилотларида таржимон, катта таржимон, бўлим бошлиги, референт ва уларга тенгглаштирилган лавозимларда касбий фаолият юритиши;
- маданиятлараро мулокотнинг турли жабҳаларида муайян таржима шаклларини,

стратегияларини ва усулларини қўллаб таржима қилиш;

- лисоний, лингвомаданий, адекватликни ва коммуникатив мақсадни инобатга олган ҳолда мулоқот олиб бориш;

- ҳукумат тадбирлари, расмий йиғинларда, учрашувлар ва сайёхлик соҳасида синхрон таржима ишларини амалга ошириш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда консалтинг хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ташкилот, корхона ва уларнинг алохида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рафбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳукукий ҳамда меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

- қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув карорлари варианtlарини ишлаб чиқиша ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;

- мутахассислик бўйича оила, гендер, демографик сиёsat, бандлик муносабатлари, иктиносий-ижтимоий ва демографик жараёнларга баҳо бериш ҳамда жараёнлар прогнозини ишлаб чиқиш;

- шарқ ва гарб тиллари бўйича таржима ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

2. 70230301–Матнишунослик ва адабий манбашишунослик (шарқ тиллари бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктиносий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўрганилган шарқ ва гарб тилларидан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;

- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳукукий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўнимларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиш, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳир килиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиши кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишини билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- соҳанинг назарий ва амалий йўналишлари, адабиёт тарихи ва назарияси манбаларини излаб топиш йўллари, тартибга солиш принциплари ва фойдаланиш усуллари; манбаларнинг илмий танқиди ва экспертизасини олиб бориши;
- кўлёзмаларнинг палеографик белгиларини аниқлашнинг асосий усуллари ва уларни баҳолаш мезонларини билиши;
- асосий чет тилидаги мутахассисликка оид илмий манбалар, илмий журналлар, фундаментал тадқиқотлар ва диссертацияларни ўкиш, таҳлил этиш ҳамда рефератлаш;
- мутахассисликка оид матнларни ўкиш, таржима ва таҳлил қилиш, мутахассисликка оид терминларни йиғиш, таснифлаш ва изоҳлаш усуллари;
- энг қадимги ёзувлар, уларнинг турлари, хусусан Марказий Осиёда қўлланилган ёзувлар хақида маълумотга эга бўлиши;
- мураккаб хат турларини фарқлаш, уларни ўқиб, илмий хulosа чиқариш;
- кўлёзма китоблар яратиш технологияси, шарқ китобат санъати тўғрисида фикр юритиш;
- Ўзбекистон Республикаси ва чет эллардаги қўлёзмалар фондлари, уларда сакланаётган нодир манбалар;
- ўрта асрларда яратилган ёзма манбаларнинг Ўзбекистон Республикаси ва чет эллардаги миқёси ва уларнинг манбашунослик ва матншунослик жиҳатдан ишланганлик даражаси;
- адабий, илмий, тарихий манбаларнинг илмий ва амалий аҳамияти;
- арабий, форсий ва туркий тиллардаги адабий меросни тадқиқ этишда мумтоз адабиётшуносликнинг асосий тушунчалари, таърифлари ва атамалари;
- ёзув турларини фарқлай олиши ва палеография соҳасида олган билимларини илмий-тадқиқот ишларида қўллай олиш;
- кўлёзма манбалар устида ишлаш;
- қадимги ёзувларни ўқий олиш, уларда битилган матнларнинг илмий нашрларини тайёрлаш;
- адабий манбашунослик ва матншуносликнинг археография, палеография, архивоведение, библиография, эпиграфика, криптография, нумизматика, герменевтика, филигранология каби ёндош соҳалари;
- адабий асарлар ва уларнинг манбаларидан асосий матнни аниқлашнинг замонавий усуллари ҳақида билимларга, шунингдек,
- кўлёзма китобларни тавсифлаш ва каталогглаштириш; монографик тавсиф тўпламлари тузиш; қўлёзма манбалар устида ишлай олиш малака ва кўникмаларига эга бўлиши;
- матнларни нашр этиш техникаси, таянч нусха танлаш, уни тиклаш усулларини билиши ва улардан фойдалана олиши керак.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, адабий манбашунослик; тарихий манбашунослик; илмий манбашунослик; ёзма манбалар; манбалар таснифи; қўлёзмалар фонди; қўлёзма ва тошбосмалар; каталог тўпламлар; қўлёзмаларни тавсифлаш; тавсиф турлари; илмий мезонлар; кодикология; матншунослик; назарий ва амалий матншунослик; палеография; эпиграфика; нумизматика; қўлёзма китоб; китобат санъати; матн тарихи; матн турлари ва вариантлари; тошбосма нусхалар; нашр турлари; нашр маълумотномалари; археографик кириш; матншунослик тадқикоти; илмий матн, илмий-танқидий матн; изоҳлар; кўрсаткич; библиография; дастхат нусха; манбаларнинг талқин ва таҳрирлари; таянч нусха.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Ректор

Г.Ш.Рихсиева

202 1 йил « 18 » 08



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим министри
ривожлантириш тадқикотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.

М.Эсанов

202 1 йил « 18 » 08

М.Ў.

Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат Ўзбек тили ва адабиёти
университети

Ректор

Ш.Сироғиддинов

202 1 йил « 18 » 08

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Абу Райхон Беруний
номидаги Шарқшунослик институти

Директор

Б.Абдухалимов

202 1 йил « 18 » 08

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси
Халқ Таълими вазирлиги хузуридаги
Республика Таълим маркази

Директор

Ш.Сатторов

202 1 йил « 18 » 08

М.Ў.

